



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУз

### АСТА NUUz

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2021  
1/4**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У. МАДЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х. ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сағдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д, проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д, проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2021**

## МУНДАРИЖА

### Тарих

Алимджанов Б. История деятельности Маргеланского отделения Русско-Азиатского коммерческого банка.....	4
Ғофуров Ҳ. Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизими ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	8
Мачин Г. Н.А. Мухитдинов и основы новой советской восточной политики (штрихи к политическому портрету).....	12
Мирзаева Н. Россия империяси кўчирувчилик сиёсатининг Мирзақўл аҳолисининг ижтимоий аҳволига таъсири.....	19
Нурметов И. Иқлим ўзгариши, ерларнинг чўлланиши ва деградациясининг олдини олишда Ўзбекистон Республикасининг иштироки.....	23
Ражабова Р. Салимбекнинг “Тарихи Салимий” асарининг илмий таҳлили.....	27
Саидахматов Ш. Термиз шаҳрида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари ривож: натижалар ва муаммолар.....	30
<b>Фалсафа. Психология. Педагогика. Методика. Социология</b>	
Абдуллаев А. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда исломий таълим ва тарбия жараёнининг узвийлигини таъминлаш зарурати.....	33
Абдуллаева Р. Средств информатизации в обучении русского языка в медицинском ВУЗе.....	36
Abdiraimov Sh. Baholash tizimining ta'lim sifatiga ta'siri .....	39
Абирова У. Оила, маҳалла ва таълим муассасалари ижтимоий-педагогик ҳамкорлигининг ўрганилганлик ҳолати.....	42
Адизов А. Сайлов тарихига бир назар.....	45
Алимов Д., Эрмаматов М., Баратов А., Сулаймонов А. Тест синови натижаларининг классик ҳамда замонавий тест назарияси асосида таҳлили: хитой тили.....	48
Алишерхўжаева М. Ўзбекистон ва Юнеско: таълим соҳасидаги ҳамкорлик.....	54
Аллаярлов О., Зарипов О. Интернет тушунчасининг сиёсий мазмуни ва замонавий ёндашувлар.....	58
Амонов Х. Географияни ўқитишда фойдаланиладиган модулли таълим технологиясининг ўзига хос хусусиятлари.....	61
Ахророва С. Аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлаш фуқаролик жамиятининг асосий вазифасидир.....	67
Barotova Sh. Gender yondashuv asosida o'quvchi – yoshlarni kasbga yo'naltirishda mahalla, oila va ta'lim muassasalari hamkorligi.....	71
Бованова У. Ўқувчи ёшларнинг экологик маданиятини шакллантириш ва экологик тарбиянинг долзарб масалалари.....	75
Газиев З. Сўфи Оллоёр меросини ўрганишда тарихни диалектик маданий тушунишнинг аҳамияти.....	78
Гафурова Н. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун педагогик шарт-шароитлар яратиш педагогик муаммо сифатида.....	82
Давронова Ф. Исломи динида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳақ-ҳуқуқлари: ўзига хос жиҳатлари.....	85
Закирова Д. Оила ва жамиятда инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлардаги тақиқлар.....	89
Замилова Р. Дидактические аспекты использования информационных технологий в организации самостоятельной работы будущих учителей истории.....	92
Зиявутдинова Х. Оилавий зўравонликнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг оқибатлари.....	94
Ibragimova O. Maktabgacha yoshdagi bolalarni ta'lim jarayoniga ijtimoiy-psixologik moslashuvi.....	98
Иноятова С. Глобал инкироз шароитида оилавий муносабатларнинг намоён бўлиш хусусиятлари.....	103
Исроилова Д. Нофилологик олий таълим муассасаларида маданиятлараро мулоқот компетенциясини ривожлантиришнинг назарий асослари.....	107
Қодирова О. Замонавий таълим муҳитида бўлажак мутахассислар эмоционал интеллектни ривожлантиришнинг психологик ва педагогик детерминантлари.....	110
Мажидов О. Оила – фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш ва ёш авлодни маънавий тарбиялаш омили.....	114
Маматқобиллов Т., Мирханова Г. Фуқаролик масъулиятининг жамиятга дахлдорлик туйғуси.....	118
Мамурова Ф. Формирование профессиональных качеств будущих инженеров-строителей на основе компетентного подхода.....	121
Махмасобинова Ю. Халқаро муносабатларда давлатлараро ҳамкорлик тушунчасининг категориявий таҳлили.....	125
Муллаев Б. Модулли таълимда маслаҳатлар тизими ва таълим инновациялари.....	128
Нажиева М. Сурия можаросида етакчи давлатлар геосиёсати (Россия, АҚШ ва Туркия).....	132
Нижевасова Р., Бобошев З. Особенности и влияние занятий плаванием на физическую подготовленность студентов Ташкентского государственного транспортного университета.....	136
Nomozova M. Ona tili darslarida o'quvchilarning nutq uslublarini farqlash ko'nikmasini aniqlashga oid tajriba-sinov ishlari.....	140
Nosirova N. National traditions – as a factor in the education of youth.....	144
Parmonov B. Maktabgacha yoshdagi bolalarda axloqiy munosabatni shakllantirishning psixologik shartlari.....	147
Расулова Ҳ. Боланинг ижтимоийлашув жараёнида оиланинг ўрни.....	151
Рахманов А. Факторы повышения предпринимательской активности молодежи в процессе модернизации общества.....	154
Рахматов Д. Аждодлар меросини ўрганиш ва тарғиб қилишда инновацион ёндашув: «Мерос» мобил иловаси.....	157
Сагдуллаева Д. Ёшларда етакчилик қобилиятининг ривожланишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни.....	161
Самигова К. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда диққатни барқарорлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	165
Сулайманова Д. Информатика дарсларида медиатеchnологиялардан фойдаланиш орқали ўқувчилар фаоллигини ошириш.....	168
Sodiqov S. Pedagogik texnologiyalar yordamida integrallashgan ma'lumotlar bazasini boshqarish algoritmlarini o'qitish tushunchalari.....	171
Temirov N. Umumiy kimyoni o'qitishda fanlararo integratsiya orqali fanga oid kompetensiyalarni shakllanishi.....	176
Тулаганов Д., Шахмурова Г. Воспитание экологического мировоззрения посредством компьютерных и мобильных игровых технологий.....	180
Turdiyeva R., Rabbimqulov F. Umumta'lim maktablarining boshlang'ich sinf o'quvchilarida kreativ yondashuvlar asosida ijodiy ko'nikmalarini shakllantirish.....	183
Улмасова Д. Эмоционал интеллектга оид ёндашувларнинг назарий таҳлили.....	186
Хайдаров А. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари.....	189
Хайдаров В. Yuqori malakali nayza ulotqiruvchi sportchilarning musobaqa natijalari tahlili.....	193
Хайдарова Х. Ахборотлашган жамият шароитида ота-оналарнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш.....	196
Худайназаров А. Ўзбекистон ёшларининг фаоллигини юксалтиришда ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг ўрни.....	199
Хушвақова Н. Оилаларни мустаҳкамлаш – фарзандларни миллий, маънавий ахлоқ асосида тарбиялашдир.....	202

<b>Hazratkulov Sh.</b> Jamiyat taraqqiyotida ijtimoiy siyosatning o‘rni va roli.....	206
<b>Шарипова Г.</b> Религиозная толерантность как гарант гуманизма в мире (на примере Малайзии).....	209
<b>Shernazarov I., Salixova M.</b> Kimyo o‘qituvchilarini xalqaro baholashdagi PISA tadqiqotiga tayyorlashda tabiiy savodxonligini oshirish metodikasi.....	212
<b>Шоймардонов Т., Закирова Ф., Адашбоев Ш., Буриев Э., Гайсёнок В., Наумович О.</b> Проектирование содержания курсов повышения квалификации педагогических кадров по направлению «Цифровые технологии в образовании».....	216
<b>Юлдашева Д.</b> Талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг online муҳити муҳим омили.....	220
<b>Юлдашева Д.</b> Теоретико-методологические основы современных исследований лингвометодических учений.....	224
<b>Юсупова Ш.</b> Оммавий онлайн очик курслар ва унинг турлари.....	227
<b>Yusufaliyeva G., Utanbayeva D., Bektemirova Z.</b> Boshlang‘ich sinflarda o‘tiladigan darslarni integrativ yondashuv asosida tashkil etish faoliyatini rejalashtirish va qo‘llash usullari orqali o‘quvchilarni mustaqil fikrlashga o‘rgatish.....	233
<b>Yaxiyaxopova M.</b> Ta‘lim sifatini oshirishda raqamli texnologiyalarning samaradorligi.....	236
<b>Филология</b>	
<b>Abjalova M., Erkinov F.</b> Elektron lug‘at va kiberleksikografiya.....	240
<b>Allanazarova S.</b> Zamonaviy kompyuter tilshunosligi va sentiment tahlili.....	244
<b>Amonova D.</b> Translation and adaptation in literature.....	247
<b>Атабоев Н.</b> Инглиз тили корпусларида коллокацион бирликларнинг лингвомаданий тадқиқи.....	251
<b>Гулямова Ш.</b> Ахборот-кидирув тизимида семантик анализ ва синтез масаласи.....	254
<b>Донакулова Д.</b> Типология героев малой прозы Татьяны Толстой.....	258
<b>Ziyatova N.</b> O‘zbek mentalitetida qadriyatlar va ularning lingvokulturologik talqini (O‘tkir Hoshimovning “Ikki eshik orasi” asari asosida).....	262
<b>Israilova D., Shorasulova A.</b> Structural-semantic features of paroemias: verbalization of a constant human appearance in the Russian and English languages.....	265
<b>Имянинова Ш., Казакова Л.</b> Немисча-русча ҳарбий терминлар луғатларининг яратилиши тарихидан.....	268
<b>Назарова С.</b> Ўзбек ва инглиз тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг шаклланишига ретроспектив назар.....	272
<b>Оманова М.</b> Эркин Самандарнинг “Тангри кудуги” тарихий романида эпик қаҳрамон тасвири.....	276
<b>Рахмонова З.</b> Фольклор материалларига ижодий индивидуал ёндашув (профессор Баҳодир Саримсоқов илмий мероси мисолида) .....	279
<b>Sobirova D., Usarov I.</b> Structural and functional characteristics of antithesis (on material of English and Russian languages)..	282
<b>Saydamatov I.</b> Ingliz va o‘zbek tillarida “quvonch” va “qayg‘u” leksemalarini ifoda etuvchi frazeologik birliklarining lingvokulturologik tahlili .....	284
<b>Собирова Р.</b> Уй-рўзгор буюмлари лексикасининг бойиш манбалари.....	288
<b>To‘gayeva D.</b> Shaxsiy yozishmalarda lingvistik ekspertiza tahlili.....	291
<b>Турамуратова И.</b> Метафора как способ выражения антропоморфизма в поэзии Федерико Гарсиа Лорки.....	294
<b>Хўжамуродова О.</b> Ўзбек тилининг гулчилик лексикасида аффиксация усули билан сўз ясалиши.....	297
<b>Eshto‘htarova V.</b> Инглиз ва ўзбек тилларида “head/бош” компонентли фразеологик бирликларнинг мавзувий гуруҳлари.....	300
<b>Yo‘ldoshova U.</b> Teaching foreign languages in nonphylogenical esp classes based on cefr requirements.....	302



УДК 811.111'1

**Нозимжон АТАБОЕВ,**

*Бухоро давлат университети ўқитувчиси,*

*Ф.ф.ф.д. (PhD),*

*Email: [anb929292@gmail.com](mailto:anb929292@gmail.com)*

*БДУ доценти, ф.ф.ф.д. (PhD), Ахмедова М.Б. тақризи асосида*

### ИНГЛИЗ ТИЛИ КОРПУСЛАРИДА КОЛЛОКАЦИОН БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ

Аннотация

Мақолада бугунги куннинг энг илғор ва янги изланиш методологиясини таклиф этаётган корпус лингвистикаси ва лингвокультурология соҳаларининг ўзаро алоқаси таҳлил этилган. Лисоний корпуслар концепт фреймини яратиш жараёнида маданий бирликларни сакловчи манба сифатида қаралади.

**Калит сўзлар:** корпус лингвистикаси, корпус, концепт, лингвокультурология, миллий корпус, “BNC”, “COCA”.

### LINGUOCULTUROLOGICAL STUDY OF COLLOCATIVE UNITS IN ENGLISH CORPORA

Abstract

The article deals with the relationship between the newly emerged and fast developing corpus linguistics as a research methodology and the sphere of linguoculturology. The language corpora are regarded as the source of examples representing cultural notions in the process of creating conceptual frames.

**Key words:** corpus linguistics, corpus, concept, linguoculturology, national corpus, BNC, COCA.

### ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ КОЛЛОКАТИВНЫХ ЕДИНИЦ В АНГЛИЙСКИХ КОРПУСАХ

Аннотация

В статье рассматривается взаимосвязь вновь возникшего и быстро развивающегося корпусного языкознания как методологии исследования и области лингвокультурологии. Корпуса языков рассматриваются как источник примеров, представляющих культурные представления в процессе создания концептуальных рамок.

**Ключевые слова:** корпусная лингвистика, корпус, концепт, лингвокультурология, национальный корпус, BNC, COCA.

**Кириш.** Бугунги кунда замонавий илм-фан тараққиёти жадал ривожланмоқда. Иш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир соҳа вакилларининг компьютерлардан унумли фойдаланишларида буни яққол кўриш мумкин. Тилшунослик ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, корпус лингвистикаси пайдо бўлгандан сўнг, унинг асосий объекти бўлган лисоний корпусларни яратиш ҳамда улардан тилшуносликка оид изланишларни олиб боришда фойдаланиш айни пайтда компьютерлар воситасида амалга оширилмоқда. Бу эса, албатта, юқори натижаларга эришишда тезкорлик ва аниқликни таъминлайди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Корпус лингвистикаси ва корпус тушунчаларига чуқурроқ тўхталадиган бўлсак, ҳар иккала термин тилшуносликка XX асрнинг иккинчи ярмида кириб келган. Н.Дашнинг фикрича, корпус лингвистикаси татбиқий тилшуносликнинг муҳим соҳаси бўлиб, лисоний тадқиқотларда катта аҳамият касб этади. У тил ўрганувчиси ва тадқиқотчиларга тилни қўллашга оид квантитатив (сонли) эмпирик маълумотлар базасини тақдим этади. Бу база аниқ белгилаб олинган манба йиғинининг статистик метод ва технологияларидан фойдаланиб тўпланган умумий тил корпусидан олинади [5, 3-4]. Лисоний корпус – систематик принципларга асосланган ҳолда тил соҳибидан нутқий бирликларни йиғиш. Унда эмпирик таҳлилларни ўтказишга кўмаклашувчи конкорданс кидирув тизимидан частотали натижаларни келтириб ўтиш муҳим вазифа сифатида қаралади. Ф.Мейер ўз ишларида тил корпусини қуйидагича изоҳлайди: “...корпус таҳлилларидан олинган натижалар ҳар қандай назарий муаммога ечим топишда асос бўла олади” [4, 15]. Зеро, ҳар қандай назария амалиётга асосланмас экан, ўзининг қийматини кўрсатиб бера олмайди. Корпуснинг яна бир муҳим хусусияти – репрезентативлик тамойилининг аҳамиятини Т. McEnergy ва А. Hardie, A. Hardie and R. Love, L. Kucheruk ва В.В. Рыков [3; 1; 2; 8] кабилар алоҳида таъкидлаган. Ҳар қандай лисоний корпус ўз таркибидаги матний элементлар йиғилган тил ёки суб тилнинг лингвистик хусусиятларини очиб бера олиш имкониятига эга бўлган ҳажм ва туркумлардан шаклланган бўлиши шарт. Ушбу хусусият корпуснинг лингвистик тадқиқот амалиётларида қўлланилиши ва уни тилнинг «электрон ҳолати» сифатида қаралишига олиб келади. Бунга эришиш учун эса ҳар бир корпус тузувчи матнларни категориялар асосида йиғиши керак. Шундай экан, корпус таҳлилларини лингвокультурология масаларига ёндашув сифатида қўллаш ўз-ўзидан ҳар томонлама ҳозирги замон талабларига мос келади.

Ушбу ёндашувни илк бор С.Грайс ва А.Степановичларнинг “Когнитив лингвистикада корпора” номли монографиясида учратишимиз мумкин. Бунда олимлар икки соҳа муштаракликда бир-бирини тўлдиради дея таъкидлашади [6]. Шу ўринда лингвокультурологияни ҳам корпус лингвистикаси билан узвийлаштириш ўринли бўлар эди. Зеро, В.А.Маслова таъкидлаганидек, тил маданият билан ўзаро боғлиқ бўлиб, унинг таркибиде тарқалади ва ривож топади, шунингдек, маданиятни ўзида акслантиради [7]. Лисоний корпус айнан бир тилни ўзида акс эттира олганлиги сабабли, лингвомаданий бирликларни эмпирик таҳлил қилиш имкониятини беради. Агар тил корпуслари бир нечта бўлиб, улар турли ҳудуд ва маданиятга оид нутқ бирликларини ўзида мужассамлаштирган бўлса, бу изланувчиларга лингвомаданий концептларни қиёсий ўрганишга йўл очиб беради. Мисол тариқасида, инглиз тилининг америка ва британия вариантдан йиғилган корпусларни олиш мумкин.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Мақолада корпусга асосланган ёндашувдан келиб чиқиб, квантитатив натижалар эмпирик таҳлиллар асосида шакллантирилиб, аналитик таҳлил методи ёрдамида илмий хулосалар ҳосил қилинади.

Бунда Америкаликлар ва Британия оролларида истиқомат қилувчилар, яъни бир тилда сўзловчи икки миллат вакилларининг ҳаёт тарзи, яшаш муҳити ва маданий қарашлари ҳамда урф-одатлари бир-биридан фарқлидир. Мазкур ҳолат ўз-ўзидан улар сўзлашадиган тил вариантларида акс этади. Америка ва Британия инглиз тилларида лингвимаданий тушунча ва бирликларни қоғиштирма планда қиёслаш имкониятини фақатгина ишончли тил базалари амалга оширади. Хусусан, инглиз тилининг ҳар икки вариантини ўзида акс эттирувчи миллий корпусларнинг мавжудлиги базани излашга оид мураккабликларни бартараф этади. Улар изланувчига лисоний таҳлилий натижалар олиш имконини беради. Демак, миллий корпуслар, яъни “BNC” (Британия Миллий Корпуси) ва “COCA” (Замонавий Америка Инглиз Корпуси)нинг қиёсланиши икки миллат миллий-маданий қарашларининг тилдаги ифодасини ўзида акслантиради. BNC ҳар хил жанрлардан ташкил топган 100 миллиондан ортиқ сўзли 90% ёзма ҳамда 10% оғзаки матнларни ўзида умумлаштиради. Матнларни тўплаш жараёни йигирманчи асрнинг сўнги йилларида бошланди, яъни 1991–1994-йиллар оралиғида шакллантирилган бўлиб, унинг охириги варианты 2007 йилда тайёрланди [10]. COCA эса инглиз тилининг америка версиясидан йиғилган жами 500 миллиондан ортиқ сўзли матнлардан ташкил топган. Уни яратиш 1990 йилда бошланган, унга ҳар йили 20 миллион ҳажмли манба қўшиб борилади ва охириги марта 2017 йилда янги материал таркибга киритилди [9]. Ҳар иккала корпусда оғзаки, адабий, журнал, газета ва академик услубга хос лисоний манбалар яхлитлаштирилган. Муайян концептга оид мисоллар база таркибидagi барча жанрлар миқёсида кўриб чиқилаётганлиги тадқиқотимизнинг назарий ва амалий моҳиятини белгилайди. Барча омишлар корпус лингвистикаси ва лингвокультурология ўртасидаги алоқани таъминлашга хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Хусусан, миллий-маданий бирликлар сифатида баъзи концептларни аниқ белгилаб олиш корпус таҳлилларини қўллаш методининг биринчи шартини амалга оширади. Ҳар қандай миллатнинг маданий қарашлари оила концепти ифодасида кўринади. Шундай экан, корпус таҳлилларимизда айнан оила тушунчасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Британия Миллий корпусида family сўзи кидирувга берилганда, қўлланилиш частотаси 33369ни кўрсатган бўлса, бу кўрсаткич COCA да 27212ни ташкил этади.

Сўз бирикмалари таркибида “СИФАТ + оила” тартибида берилган кидирув натижаларининг энг кўп бирикиб келадиган 300таси ажратиб олдинди ва қуйидаги жадвалда маълум категорияларга бўлиб берилди. Биринчи жадвалда BNCдан олинган натижалар жойлаштирилди ва сифатлар бешта категорияга бўлинди, шунингдек, ҳар бир сифатнинг оила сўзи билан бирга келиш частотаси қавсларда келтирилди.

Корпуслардан олинган илк кидирув натижалари коллокацион бирикмаларни аниқлашга қаратилди. «СИФАТ + оила (\_adj\*+family)» тартибида берилган кидирув натижаларининг энг кўп бирикиб келадиган 300таси ажратиб олдинди ва қуйида муайян категорияларга ажратилди. Категориялар бирикманинг ифодавийлик хусусиятига кўра номланди. BNCдан олинган натижалар қуйидагиларга ишора қилувчи гуруҳлар таркибида берилиши мумкин: а) оила ҳажми: large (1,44), small (0,72), average (0,60), big (0,55), normal (0,37), little (0,26); б) аъзоларнинг ижтимоий келиб чиқиши: royal (7,14), local (0,59), traditional (0,40), Jewish (0,35), holy (0,35), noble (0,31), black (0,26), British (0,26), Christian (0,26), human (0,25), poor (0,25), wealthy (0,21), working-class (0,19), farming (0,15), middle-class (0,13), English (0,18), French (0,11), Indian (0,11), Asian (0,10); в) оила аъзолари таркиби: extended (1,61), nuclear (1,36), immediate (0,89), private (0,23), individual (0,15), natural (0,18), birth (0,14), one-parent (0,11), single-parent (0,10), two-child (0,9); г) оила аъзоларининг ўзаро муносабати: happy (0,69), close (0,68), joint (0,25), loving (0,15), ordinary (0,15), respectable (0,10), lovely (0,10), friendly (0,09), close-knit (0,09), ideal (0,06); д) оила аъзоларининг ёши: new (1,10), old (0,70), young (0,60), growing (0,25), modern (0,15), contemporary (0,06).

COCAда шундай кидирувни амалга ошириш орқали қиёсий планда ўхшаш ва фарқли томонларни кўриш мумкин. Корпус натижаларини юқорида келтирилган тартибда қуйидагиларни ифодалашига кўра таснифланди: а) оила ҳажми: large (0,86), big (0,85), average (0,56), small (0,52), little (0,40), median (0,36), normal (0,24), stable (0,10); б) аъзоларнинг ижтимоий келиб чиқиши: royal (3,28), American (2,01), black (0,97), traditional (0,66), holy (0,55), dysfunctional (0,46), human (0,46), Kennedy (0,62), Bush (0,45), Jewish (0,44), poor (0,34), white (0,31), middle-class (0,30), wealthy (0,30), military (0,28), Christian (0,22), immigrant (0,19), African-American (0,14), working-class (0,13), suburban (0,10), religious (0,10), Muslim (0,09), farming (0,08), free (0,08); в) оила аъзолари таркиби: extended (3,37), immediate (1,08), nuclear (0,91), host (0,21), adoptive (0,18), private (0,17), biological (0,12), two-parent (0,12), personal (0,09), single-parent (0,09), broken (0,08), surrogate (0,07); г) оила аъзоларининг ўзаро муносабати: happy (0,61), close (0,12), great (0,41), loving (0,40), perfect (0,24), wonderful (0,23), close-knit (0,23), joint (0,20), typical (0,18), supportive (0,15), individual (0,15), devoted (0,10), ideal (0,09), tight-knit (0,07), lovely (0,06), beloved (0,06); д) оила аъзоларининг ёши: new (1,19), old (0,76), modern (0,58), young (0,49), growing (0,25), younger (0,07).

Юқорида келтирилган мисоллар иккала корпусдан олинган натижалар асосида шакллантирилиб, таснифланган гуруҳларда келтирилган сифатлар «оила» тушунчасини изоҳлаб келади. Қиёсий планда ўрганишга имкон бериши учун уларнинг миллиондан бир нисбатдаги МЕЪЁРИЙ ЧАСТОТА (МЧ)си қавс ичида берилди, маълумотларда ўзаро ўхшашлик ва фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Масалан, оила аъзоларининг ёшини билдирувчи сифатлар таркибига «new – янги»сўзини COCA таркибидан топилган мисоллар сони, яъни БИРЛАМЧИ ЧАСТОТА (БЧ)лари 680та ва BNCда кидирув натижалари эса 110 ўринда кузатилишига кўра COCAда бу сўз бирикмаси кенгрок ишлатилган деган хулоса мутлақо нотўғри. Уларнинг биз ҳисоблаб чиққан МЧлари COCA учун 1,19 бўлса, BNC учун 1,10ни кўрсатди. Энди корпусларда ва улар орқали тил қатламларида new family бирикмаси ўзаро яқин (америкача инглиз тилидаги озрок устунлик билан) частотада қўлланилишини англаш мумкин. Шунингдек, ёш оила тушунчасини «young – ёш» сўзи билан ифодалашларини кўрдик. Бироқ бунда эндиги устунлик британияликлар тил қатламида бўлди (BNC ва COCAда мос равишда 0,60 ва 0,49 МЧ кўрсатилди). Бир-биридан фарқли сифатлар кўриб чиқилди: Биринчи тур таснифига хос сифатлар сирасига кирувчи «median – ўртача» сўзи COCAда 203 ўринда оила сўзи билан бирикиб келган ва ўртаҳол оила қатламини ифодалаб келиши контекстда атрофлича кўрилганда аниқланди. Лекин бу сифат BNCдаги кидирувларда кўзга ташланмади.

Оила аъзолари мавжудлиги ва улар ўртасидаги муносабатларга ишора қилувчи сифатлардан қуйидагилар BNCда деярли кўзга ташланмади: «host – мезбон» (COCAда БЧ-121 (МЧ-0,21) марта қўлланган ва, асосан, Америка қўшма



штатларида тахсил олишга борган талабаларга уй берган оила тушунилади), «adoptive – асраб олган» (СОСАда БЧ-105 (МЧ-0,18) марта қўлланган ва уч хил ҳолатда бу ибора ишлатилади: болалар уйи тарбияланувчиси, каровсиз бола ёки ўз ота-онаси розилиги билан берилган фарзандни боқиб олган оилалар), «biological – биологик» (СОСАда БЧ-71 (МЧ-0,12) марта қўлланган ва болани дунёга келтирган оила тушунилади), «two-parent – қўш ота-онали» (СОСАда БЧ-69 (МЧ-0,12) марта қўлланган ва инглиз тилида отасиз ёки онасиз оила – «single-parent family» дейилади, агар ҳар иккаласи ҳам бўлса, унда шу сўз бирикмасини қўллашади), «broken – парчаланган» (СОСАда БЧ-48 (МЧ-0,08) марта қўлланган ва ота-она ажрашганда ёки бирови вафот этганда қўлланилади) ва «surrogate – ўриндош» (СОСАда БЧ-41 (МЧ-0,07) марта қўлланган ва агар ўз ота-онаси болани тарбиялашга ёки эҳтиёжларини қондиришга қурби етмаса, фарзандлар икки ёшга тўлгандан сўнг ўриндош оилага берилади).

Оила аъзоларининг ўзаро муносабатини билдирувчи сифатлар сирасига фақатгина СОСАда учраганлари қуйидагилардир: «supportive – қўлловчи», «devoted – бахшида этадиган», «tight-knit – ўзаро яқин» ва «beloved – ўзаро меҳрибон». Ушбу мисолларни ВНСда фақатгина бир-икки ўринда учради, бу эса америкаликлар менталитетига хос бўлган оилаларнинг турини кўришга имкон беради.

Энг катта фарқни аъзоларнинг ижтимоий келиб чиқишини билдирувчи сифатлар рўйхатида кўрдик. Улар сирасига кирувчи «free – озод» (СОСАда БЧ-46 (0,08) та ўринда, бу маънода ВНСда эса БЧ-6 (МЧ-0,06) мисолда адабий асарларда кузатилди ва бу миллат тарихида кулдорлик тизими бўлганидан далолат беради), «religious – диний» (СОСАда БЧ-55 (МЧ-0,10) та ўринда, ВНСда эса БЧ-6 (МЧ-0,06) мисолда кузатилди ва диний қарашлар устун бўлган оилалар назарда тутилган), «muslim – мусулмон» (СОСАда БЧ-53 (МЧ-0,09)та ўринда, ВНСда эса БЧ-2 (МЧ-0,02) мисолда кузатилди ва бу ислом дини вакилларида ташкил топган оилага ишора қилади), «african-american – афро-американ» (СОСАда БЧ-78 (0,14)та ўринда, ВНСда эса БЧ-0 (МЧ-0,00) мисолда кузатилди ва бу қора танли аҳолига нисбатан ишлатилиб, оз бўлса-да, ирқчиликка ургу берувчи, қора танли ёки негр каби тушунчалардан қочиш учун қўлланилади), «immigrant – кўчиб келган» (СОСАда БЧ-111 (МЧ-0,19)та ўринда, ВНСда эса БЧ-8 (МЧ-0,08) мисолда кузатилди ва мамлакатга кўчиб келган бошқа миллат вакилларида ташкил топган оилалар тушунилади), «military – ҳарбий» (СОСАда БЧ-164 (МЧ-0,29)та ўринда, ВНСда эса БЧ-5 (МЧ-0,05) мисолда кузатилди ва оила аъзоларидан бири ёки бир нечтаси ҳарбий соҳа вакили бўлганда қўлланилади), «white – оқ танли» (СОСАда БЧ-176 (МЧ-0,31)та ўринда, ВНСда эса БЧ-16 (МЧ-0,16) мисолда кузатилди ва аҳолининг оқ танли қисми вакилларида шаклланган оилага ишора қилади, бу ҳам ирқчиликнинг кичкина намуналаридандир), «american – америкалик» (СОСАда БЧ-1145 (МЧ-2,01)та ўринда, ВНСда эса БЧ-20 (МЧ-0,20) мисолда кузатилди ва кўп сонли мисоллар бир вақтнинг ўзида шаклланиб улгурган миллатни ифода этиб, юқоридаги ирқчиликка оид фикрларимизни бирмунча юмшатади), Kennedy (СОСАда БЧ-356 (МЧ-62)та ўринда, ВНСда эса БЧ-6 (МЧ-0,06) мисолда кузатилди) ва Bush (СОСАда БЧ-259 (МЧ-0,45) та ўринда, ВНСда эса БЧ-1 (МЧ-0,01) мисолда кузатилди, сўнгги икки мисоллар мамлакат президентлари оилаларига ишора қилиб, уларга ғамхўрлик қилиш кичик ижтимоий кўмак гуруҳлари тузилиши одат тусига кириб қолгани корпусда кенгрок контекстда кўрганмизда маълум бўлди) кабилар фақатгина америкаликлар корпуси таҳлили натижаларида юқорироқ частота билан кўзга ташланади.

**Хулоса.** Юқорида келтирилган мисоллар ва уларнинг таҳлили бир тилда сўзловчи икки миллат вакиллари ўртасидаги оила тушунчасининг қабул қилиниши сўз бирикмалари таркибидаги сифатларга қўра киёсланди. Бу эса лисоний корпуслар ва улардан олинган таҳлилларнинг лингвомаданий бирликларни тушунишдаги зарур манба сифатидаги аҳамиятини кўрсатади. Зеро, ҳар қандай тил маданиятсиз мавжуд бўлмагани каби маданият ҳам тилсиз шаклланмайди, тўлақонли бир тилни ўзида акс эттира олган лисоний корпусга бир пайтнинг ўзида маданиятга алоқадор тушунчаларни акс эттирган матнлар манбаси сифатида қараш асослидир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Hardie A. and Love R. Corpus Linguistics. 2013 – 376 p.
2. Kucheruk L. Modern English Legal Terminology Linguistic And Cognitive Aspects. – University of Oles Honchar. 2015 – 384 p.
3. McEnery T. and Hardie A. Corpus Linguistics Method, Theory and Practice. – Lancaster University: 2012. – 294 p.
4. Meyer C.F. English Corpus Linguistics. – Cambridge: Cambridge University Press, 2002. – URL://<https://pdfs.semanticscholar.org/c775/4bfab1d0f770e26c0fc7c603e8cf38793be8.pdf>
5. Niladri Sekhar Dash Corpus Linguistics: An Introduction. Encyclopedia of Life Support Systems (EOLSS), India: 2015. – 11 p.
6. Stefan Th. Gries and Anatol Stefanowitsch (eds.). Corpora in Cognitive Linguistics. Corpus Based Approaches to Syntax and Lexis. Trends in Linguistics: Studies and Monographs 172. – New York: Mouton de Gruyter, 2006, – 352 p.
7. В.А.Маслова Лингвокультурология: учебное пособие. Академия изд., – Москва. 2004. – 208 с.
8. Рыков В.В. Корпус текстов как реализация объектно-ориентированной парадигмы //Материалы международной конференции “Диалог 2002”. URL: <http://www.dialog-21.ru/materials/archive.asp?id=7373&v=2002&vol=60>
9. <https://www.english-corpora.org/coca/>
10. <https://www.english-corpora.org/bnc/>